

Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олишни 2026-йилда ўтказиш режалаштирилмоқда



Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олишни 2026-йилда ўтказиш режалаштирилмоқда

Ўзбекистон Статистика агентлиги 2026-йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тоғрисидаги қонун лойиҳасини жамоатчилик муҳокамасига тақдим этди. Унга коъра, бу боъйича республика комиссияси тузилади. Олий Мажлисга топонимик объектларга ном бериш ва номларни оъзгартиришни вақтинча тоъхтатиш тавсия этилади.

Президент ҳузуридаги Статистика агентлиги “Ўзбекистон Республикасида 2026-йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тоғрисида”ги қонун лойиҳасини жамоатчилик муҳокамаси учун [елон қилди](#).

Лойиҳага коъра, Ўзбекистонда 2026-йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга коъмаклашиш боъйича республика комиссияси ва ҳудудий комиссиялар ташкил етилади. Республика комиссиясига бош вазир Абдулла Арипов раислик қилади.

Ўзбекистонда 2026-йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга коъмаклашиш боъйича республика комиссиясининг асосий вазифалари етиб қуйидагилар белгиланади:

- аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик коъриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг оъз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;
- аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик коъриш ва уни ўтказишга доир ишлар жараёнларининг мувофиқлаштирилиши ва мониторингини амалга ошириш;
- аҳолини рўйхатга олиш натижаларининг таҳлилини ўтказиш;
- аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик коъриш ва уни ўтказишни молиялаштириш, аҳолини рўйхатга олиш материалларига ишлов беришни ташкил етиш ва унинг якуний натижаларини еълон қилиш масалаларига

доир таклифларни коъриб чиқиш;

- аҳолини роъйхатга олишга тайёргарлик коъриш ва уни оътказишда иштирок етиш учун жисмоний ва юридик шахсларни уларнинг ишига ҳақ тоълаш масалаларини ҳал қилган ҳолда жалб етишни ташкил етиш;
- халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни амалга ошириш боъйича таклифлар ишлаб чиқиш.